

“Урганч ёғ-мой” АЖНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИГА ИЗОХЛАР

Корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий етиш, стратегик бошқарувда акциядорларнинг ролини кучайтириш ва самарадорликни ошириш максадида 2020 йил 29 февраль куни “Урганч ёғ-мой” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Саноатнинг хусусиятлари ва корхонанинг ўзига хос фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда тузилган ташкилий тузилма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрель ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тайёрланган.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (бошқарув) жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. Конун ҳужжатлари, низом ва жамият ички ҳужжатлари акциядорлар умумий йиғилишининг фаолиятини тарифга солиб турувчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгаши қонунчиликда ва жамият низомида акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилишдан ташқари, жамият фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширади. Низомга мувофиқ Кузатув кенгашининг таркиби 9 (тўқиз) кишидан иборат.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади, Жамият Бошқарув аъзоларининг ваколати жамият низомида белгиланади. Жамият Бошқаруви - 7 нафар аъзодан иборат. Бошқарув Жамиятнинг ижро этувчи органи акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади. Жамиятнинг уставига биноан шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамият Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тарикасида хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият уставига асосан тафтиш комиссияси сайланади. Жамият тафтиш комиссияси аъзоси ёки аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси Конун ҳужжатлари ва жамият низоми билан белгиланади. Жамият тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган низом билан фаолият юритади.

Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидлари ва тартиба-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласидан ҳамда баҳолайди. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамият Кузатув кенгашига ҳисбот беради.

Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси Жамият Кузатув кенгашига ҳисбот беради ва корпоратив қонунчиликка риоя қилишни назорат қилиш функцияларини бажаради. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.